

المملكة العربية السعودية
وزارة التعليم العالي
جامعة الإسلامية بالمدينة المنورة
عمادة البحث العلمي
قسم الترجمة

تعريف موجز بالإسلام
(باللغة الأوزبكية)

بسم الله الرحمن الرحيم

Рахмдил Раҳмон Оллоҳнинг
номи билан бошлайман!

Бутун оламнинг роббиси
Оллоҳга ҳамдлар булсин эл-
чиларнинг имоми пайгамбаримиз
Мухаммад (саллоҳу алай-хи ва
саллам) га ва у кишининг
ахилларига ва хамма асхоб-
ларига салом ва саловотлар
булсин.

Шундан сунг:

Ислом кишининг Оллоҳдан
узга илоҳ йук ва Мухаммад
Оллоҳнинг элчиси деган
эътиқодга калби, тил ва бутун
борлиги билан гувоҳлик
беришлик булиб иймоннинг олти
асосига ишониш, исломнинг беш

асосларига амал килиш ва шу
асосларни чиройли адо килишни
уз ичига олади.

Ислом илохий рисолаларнинг охиргиси булиб Оллох Субханаху ва Таъоло томонидан пайгамбарларнинг сунгиси ва элчиларнинг якунчиси Мухаммад ибни Абдуллох (саллоху алайхи ва саллам)га тушурилгандир. У шундай хак динки Оллох ундан бошка динни кабул килмайди. Оллох бу динни кийинчилик ва машаккатсиз енгил килиб куйди, бу динга эргашаётган кишиларга кучлари етмаган нарсани вожиб килмади, токатлари кутармаган нарсага буюрмади.

Бу диннинг асос узаги
Оллохни яккалашдир, шиъори
тугриликдир ва мохияти
адолатдир ва борлиги хакикатдир
ва рухи раҳматдир.

Ислом шундай буюк динки
инсонларни дунё ва охиратлари
учун фойдали ҳамма яхши
ишларга йуллади, ва дунё
охиратлари учун заарли ҳамма
ишлардан кайтарди.

Ислом шундай бир динки
Оллох у дин билан эътиқод-
ларни, ахлокларни, дунё ва
охират хаётини ислоҳ килди, ва у
билин парчаланаган калбларни,
булинган ҳавои нафслар-ни
боглади, уларни ботилнинг
зулматидан коронгулигидан озод

этиб хакни курсатди ва тугри йулга етаклади.

Ислом хамма хукмларида ва берган хабарларида гоят-да метин мустахкам ёркин динки агар солих амаллар, тугри эътиқодлар, фазилатли хулклар ва юкори маданиятлар хаки-да хабар берадиган булса тугри ишончни лозим тутди, кай-си бир хукмни жорий этган булса яхшилик ва адолат байро-гин кутарди.

Ислом рисоласи куйидагиларни бажариш билан хосил булади:

- 1) Инсонларни уларни яратган роббилиарининг тенгсиз

чиройли исмлари ва
мислсиз олий баркамол
сифат-лари ва нуксонсиз
амаллари билан
таништиришилик билан.

2) Бандаларни ширк
келтирмасдан
якка Оллохнинг
узига ибодат
килишиликка ва
улар учун
Оллохнинг
китобида ва
расулининг
суннатида
буюрилган вази-
фаларни ва
кайтарилган
ишларни дунё ва

охират-лари обод
булиши учун
бажаришликка
чакиришлик
 билан.

- 3) Вафотларидан
кейинги уларни
борадиган уринлари ва
ахволлари, кабрларида,
кайта тирилтирилган-
ларида ва хисоб
килингандарида уларни
кутаётган нарсалар, дузах
ёки жаннатга караб
юришларини эслатиш
 билан.

Ислом чакиригини ушбу
бандларда кискача айтиб утиш
мумкин.

Биринчи банд.

Иймон арконлари.

Бу иймоннинг олтита
арконига ишониш билан булади,
бу олти руҳи куйидагилардир:

1- Оллохга иймон
келтириш.

У куйидагиларни бажариш
билан булади:

а) Оллохнинг рубубиятига
иймон келтириш яъни: у зотни
яратгувчи, мураббий, молик,
жамий ишларнинг тад-бирчиси
деб билиш.

б) Оллохнинг улухиятига
иймон келтириш, яъни: у зот

ягона хак илох, ундан бошка ибодат килинган нарсаларнинг хаммаси бекор ва ботилдир.

в) у зотнинг исми ва сифатларига иймон келтириш, яъни: Куръон ва суннатда ворид булган унинг гузал баркамол исмлари ва олий нуксиз сифатларига иймон келтиришдир.

2- Малоикаларга (фаришталарга) иймон келтириш.

Малоикалар Оллохнинг улуг бандалари булиб ёлгиз у зотгага ибодат килшади ва унинг доимий итоатида були-шади.

Уларни Оллох Субханаҳу ва Таъоло ҳар-хил ишларни бошқаришга таъйин килган .

Улардан:

- а) Жаброил вахй ташиш билан таъйин килингандир. Оллохдан вахйни олиб Оллох хохлаган пайгамбар ва элчига элтиб беради.
 - б) Мийкоил ёмгир ёгдириш ва усимликларни унди-ришга буюрилган.
 - в) Истрофилга киёмат куни олиддан халкларнинг хам-масини улиши ва кайта тирилиши учун чалинадиган сур топширилган.
 - г) Улим фариштаси улим пайтида кишиларни рухини олишга буюрилган.
- 3- Китобларга иймон келтириш

Оллох Субханаху ва Таъоло уз элчиларига хидоят, яхшилик ва ислоҳ келтирадиган китобларни туширди. Улардан бизга маълум булганлари:

- а) Таврот - Оллох Таъоло уни Мусо алайхи саломга туширган булиб у бани-Исройл кавмининг буюк китобидир.
- б) Инжил - Оллох Таъоло уни Ийсо алайхи саломга туширган.
- в) Забур - Оллох Таъоло уни Довуд алайхи саломга туширган.
- г) Сухуф - Иброҳимга туширилган.
- д) Куръони Карим-Оллох Таъоло уни Мухаммад (сал-лоҳу алайхи ва саллам)га туширган ва

Куръон билан ундан олдинги китобларни насх килди (яъни бекор килди) ва уни саклашликни уз зиммасига олди, чунки у хамма халклар устига хужжат булиб киёмат кунигача колади.

4 - Элчиларга - пайгамбарларга иймон келтириш.

Оллох уз бандаларида адашганларида тугри йулга бошловчи элчилар жунатди. Уларнинг аввалгиси Нух ва охиргиси Мухаммад алайхи саломлардир, ва хамма пайгамбарлар шу жумладан Ийсо ва Узайр алайхи саломлар рубубият хислатларига эга булмаган инсондирлар.

Улар Оллохнинг куллари булиб Оллох Субханаху ва Таъоло уларни уз рисоласи билан такдирлаб матабаларини улуг килди.

Оллох уз рисолаларини Мухаммад (саллоху алайхи ва саллам)га жунатган рисоласи билан якунлади, ва у кишини инсону жинларнинг хаммаларига элчи килиб жунатди. У зотдан сунг хеч кандай пайгамбар булмайди.

5- Охират кунига иймон келтириш.

Киёмат куни шундай бир кунки Оллох инсонларни уз кабрларидан тургизиб амалларига яраша жаннатнинг

куз куриб кулок эшитмаган ноз - неъматларига ёки дузахнинг шиддатли азобларига йуллади. Охиратга иймон келтириш-лик улгандан кейин буладиган барча нарсаларга кабрда буладиган неъмат ёки азоб, ундан сунг кайта тирилиш ва хисоб майдонига йигилиш ва хисоб сунгра эса жаннат ёки дузахга киришга ишониш билан булади.

6- Кадарга иймон келтириш.

Кадар - Оллох Таъоло коинотларни такдир кил-гани ва маҳлукотларни яратганига ва бу нарсаларнинг барчаси Оллохнинг азалий илми ва хикматига асосланган холатда булганига иймон келтиришdir. Хар бир иш

Оллохга маъ-лум ва У зотнинг олдида ёзиб куйилгандир. Оллох уша нар-саларни хохлади ва яратди.

Иккинчи банд:

Ислом арконлари.

Ислом беш аркон(асос)га курилган булиб инсон бу асосларга тула иймон келтириб амалда татбик килмагунча хакикий мусулмон булмайди, бу асослар куйидагилардир:

Биринчи асос: Оллохдан бошка илох йук ва Мухаммад (саллоху алайхи ва саллам) унинг бандаси ва пайгамбари эканлигига иймон келтириш. Бу

асос ислом калити ва пой-
девордир.

(Оллохдан узга илох йук)
деган сузнинг маъноси:

Оллохдан бошка ягона хак
илох йукдир, у хак илох-дир,
ундан бошка хамма олихалар
ботилдир. Илох сузининг
маъноси ибодат килинувчи ёки
сигинилувчи демакдир.

(Мухаммад (саллоху алайхи
ва саллам)унинг бандаси ва
пайгамбари)нинг маъноси:

У Мухаммад (саллоху
алайхи ва саллам)нинг берган
хабарларини тасдиклаш,
буйрукларига буйинсиниш ва
кайтарган нарсаларидан
кайтишиликдир.

Иккинчи асос: Намоз.

У бир кунда беш марта такрорланадиган ибодат булиб Оллох Субханаху ва Таъоло уни бандалирга улар уз усти-даги хакларини адо килишликлари, роббиларининг уларга берган неъматларига шукр килишликлари ва роббилари билан боғланишликлари учун фарз килди. Намозда banda уз роббисига муножот килади, унга дуо килади. бир вактнинг узида намоз Оллох рози буладиган ххолда адо этилса у фахш ва гуноҳ ишлардан кайтариди.

Дунё ва охират яхшиликлари, иймоннинг салохияти ва дунё-ю охиратдаги

Оллох берадиган ажру савобларнинг калити уни адо килишликдадир.

Банда Оллох фарз килган намозни адо килар экан дунё ва охират саодатини бахш этувчи рухий ва моддий бир рохат хосил булади.

Учинчи асос: Закот.

Бандаларнинг бойликлари маълум бир микдорга етиб бир йил давомида шу микдордан камаймаса шу молда камбагалларга бир улуш беришилик вожиб булади, ва бу хак закот деб аталади, белгиланган микдорни эса нисоб деб аталади.

Закот моли нисоб кадрига етмаган кишиларга вожиб

булмайди, балки у моли нисобга
етиб шу микдордан бир йил
давомида камаймаган кишиларга
вожиб булади.

Закот чикариш билан
бандаларнинг динлари тулади,
хулклари гузаллашиди, моддий
ахволлари яхшиланади,
гунохлардан покланишади,
камбагал мухтожларга ёрдам
булади ва уларнинг холлари
билан шугулланишади.

Туртинчи асос: Руза.

У йилда бир марта
келадиган хижрий ойларнинг
туккизинчиси Муборак Рамазон
ойи да мусилмон кишининг озик-
овкатга булган иштиёкларини ва
аёлларга булган хирс-ларини

субҳ вактидан куёш ботгунга
кадар тарқ килишдир.

Оллох уларнинг бу килган
ишлари эвазига уз фазли ва
карамидан уларнинг динлари ва
иймонларини тулдиради, ва
уларни янада камолоттга етказади,
бундан ташкари руза учун
богланган дунё ва охиратдаги
катта яхшиликларга муваффак
этади.

Бешинчи асос: Хаж.

У Оллохнинг байти булмиш
харами шарифни хаж ойларида
маълум манисикларни бажариш
учун касд килиш-дир. Оллох
хажни кодир булганларга умрида
бир марта ба-жаришликтини фарз
килди.

Хажда мусулмонлар ер юзининг хар жойидан йигилишиб ернинг энг яхши ва пок ерига тупланишади, ва бир хил либосда, хоким ва махкум, бою камбагаллар, ок ва коралар бир сафда туриб ягона Оллохга ибодат килишади. Белгиланган маносиклар(хаж амаллари)ни бажаришади.

Бу маносиклар Арафотда туриш ва мусулмонларнинг кибласи булган Каъбаи Мушаррафани тавоғ килиш (айланиш) ва Сафо ва Марва тоглари орасида саъй килишликдир.

Хажда хожиларга сонсиз саноксиз чексиз чегарасиз

дийний ва дунёвий фойда
манфаатлар бор.

Учинчи банд.

Ихсон.

Ихсон Оллохга иймону-
ислом билан у зотни куриб
тургандек ибодат
килишлигингиздир, вахоланки у
зотни курмасангиз хам у зот
сизни куриб туради.

Ислом узига буйинсанган
кишиларни Оллох уз бандаларига
куйган шахсий ва ижтимоий хаёт
низомига йуналтиради. Уларга
дунё ва охират саодатини бахш
этади. Оила куришни халол этиб
унга таргиг килади, фохиша ва
жинслар уртасидаги алокага
ухаш жинсий бузукликлар-дан

кайтаради ва оила аъзолари ва
кариндошлар уртасида алокалар
урнатишликка буюрди.

Камбагал бечораларнинг
ахволлари билан шугулла-нишга
чакирди.

Хамма яхши хулкларга
чакириб таргиб этганидек хамма
ёмон разил хулклардан хам
кайтариб харом килди. Уларни
тижорат ёки идора каби халол
касларга таргиб этиб, рибо
ёлгон яширик аралашган
тижоратларни хам харом килди.

Шунингдек Ислом
кишиларнинг Оллохнинг
хукмига амал килишликда, ва
узидан бошкаларнинг
хукукларини риоя килишликда

хар хил булишлигини назарда тутган холда диндан кайтиш, маст килувчи ичимликларни ичиш ва фохишага ухшаш Оллохнинг хаккига тажовуз буладиган гунохларга, ёки кишиларнинг жони ва обрусига таъаллукли хар кандай хукукларига тажовуз киладиган улдириш, угирилик, фахш ишлари билан тухмат килиш, калтаклаш, озор бериш, ноҳак молларни олишга ухшаган гунохларга карши жазоларни жорий килди. Бу жазоларнинг даражаси килинганд жаримага муносибдир.

Яна Ислом уз низомида махкумларнинг хокимларга булган алокаларини чегаралаб ва

уларни уз хокимлариға Оллохга
гунох булмаган ишларда итоат
килишлигини вожиб килди,
уларга карши чикишликни
шахслар ва жами-ятга зиён
булишилиги учун уни харом
килди.

Якун охирида ушбу
нарсаларни айтишимиз
мумкинки:

Албатта Ислом бандалар ва
роббилари уртасидаги,
шунингдек инсоннинг жамият
 билан буладиган хамма мұ-
носабатидаги яхши алока ва
түгри амални уз ичига олди.

Хамма яхши алокалар ва
муомалаларга буюрди ва тарғиб
килди, ва хамма ёмон хулклар

ёмон муомалалардан
огохлантириб кайтарди.
Натижада эса бу диннинг хар
томондан комил нуксонсиз хусни
намоён булди.

Бутун оламларнинг роббиси
Оллохга хамдлар булсин!